

Qishloq hayoti

2012 йил

Мустақкам оила
ЙИЛ

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 12-ОКТАБР, ЖУМА, 119 (8044)-сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Баҳоли келишган нархда.



Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, касб-хўнар эгаллашига кўмаклашиш, тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш, янги иш ўринларини ташкил этиш борасида бир қатор хайрли ишлар олиб борилмоқда. Бу борада "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан ҳам ҳамкор ташкилотлар билан қатор лойиҳалар амалга ошириляптир.



Бухоро туманидаги чорвачиликка ихтисослашган "Жониқул Саид" фермер хўжалиги қошидаги сутни қайта ишлаш корхонасида ишлаб чиқарилаётган 7 турдаги сут маҳсулотларини вилоятдаги кўплаб савдо дўконларида учратиш мумкин. Фермер томонидан лизинг шартномаси асосида харид қилинган автобус эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда.



2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ "Мардлик" ордени билан ўзини Ватанини ҳимоя қилишга ва она юрт хизматида бағишлаган, мардлик ҳамда жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади...

ПРЕЗИДЕНТ ОЗАРБОЙЖОНГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 2012 йил 11 октябрь кунини расмий ташриф билан Озарбойжонга жўнаб кетди.

Олий даражадаги музокаралар чоғида ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича фикр алмашиш режалаштирилмоқда.

Расмий ташриф якунлари бўйича давлат раҳбарларининг Қўшма баёнотини қабул қилиш, Ўзбекистон ва Озарбойжон ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗА

ИСЛОМ КАРИМОВ БОКУГА КЕЛДИ

БОКУ, 11 октябрь. ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг таклифига биноан 11 октябрь кунини расмий ташриф билан Бокуга келди.

Олий мартабали меҳмон шарафига Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг давлат байроқлари кўтарилган, фахрий қоровул саф тортган.

Озарбойжон пойтахтининг аэропортидан Ўзбекистон делегацияси учун ажратилган "Улдуз" давлат қароргоҳига қадр барча кўчалар икки давлатнинг миллий рамзлари билан безатилган.

Томонлар ўшбу ташрифга Ислам Каримов ва Илҳом Алиевнинг 2010 йил сентябрь ойидаги Тошкент учрашувининг мантқий давоми, мунтазам сиёсий мулоқот доирасида анъанавий дўстона давлатлараро алоқаларни мустаҳкамлаш, муносабатларни ҳамкорликнинг барча соҳаларида янги босқичга кўтариш масалаларини муҳокама қилиш имконияти сифатида қарамоқда. Дўстлик ва стратегик шериклик руҳида минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммоларнинг асосий жиҳатлари юзасидан фикрлар алмашуви режалаштирилган.

Музокаралар чоғида савдо-сотик, иқтисодий, сармоя, транспорт коммуникациялари соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини оширишга, шунингдек, маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилди.

Авал хабар қилинганидек, олий даражадаги учрашув якунида давлат раҳбарларининг икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш борасидаги устувор йўналишлар белгилаб берилган Қўшма баёнотини қабул қилиш ҳамда ҳукуматлараро ва идоралараро қатор ҳужжатларни имзолаш мўлжалланмоқда.

ЎЗА



АГРАР ТАРМОҚ УЧУН ИЛФОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА «UZBEKISTAN AGROTECHMASH EXPO – 2012» ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ ТЕХНИКАСИ, МАШИНАЛАРИ ВА УСКУНАЛАРИ ХАЛҚАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КўРГАЗМАСИ БўЛИБ ўТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ташкил этилган ўшбу тадбир фермерлар учун жаҳоннинг энг илғор, замонавий техникалари билан танишиш, уларни танлаш, харид қилиш ҳамда ўзаро тажриба алмашиш имкониятини бермоқда.

Кўргазмада 12 мамлакатдан 50 дан ортиқ ишлаб чиқарувчи корхона, сугурта, лизинг компаниялари ва фирмалари, тижорат банклари, хусусан, Хитой, АҚШ, Германия, Голландия, Жанубий Корея, Исроил, Франция, Туркия, Беларусдан агробизнес вакиллари қатнашаётганлиги бу жараённинг янада фаол ва мазмунли ўтишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 21 майда

қабул қилинган "2012-2016 йилларда Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада модернизация қилиш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ўтказилаётган кўргазма майдонларида жами 100 турдан ортиқ техника воситалари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, агрофирмалар, фермер хўжаликлари вакиллари қишлоқ хўжалиги техникаси билан танишмоқда. Халқаро стандартларга жавоб берадиган, ўзимизда ишлаб чиқарилган замонавий қишлоқ хўжалиги техникаси ва технологиялари фермерларга ҳар жиҳатдан маъқул келаяптир.

– Ўшбу кўргазма биз учун катта имконият яратди, – дейди Сур-

хондарё вилояти Жарқўрғон туманидаги "Имконият ҳамкор" фермер хўжалиги раҳбари Абдурахмон Мустақов. – Асосан пахта ва галла йўналишида фаолият юритамиз. Шу босис, «Ўзқишлоқхўжаликмашилизинг» компанияси мадади билан ҳайдов, ўғит селувчи, гўзани йиғиш ускуналарини олиш борасида ҳамкорликка келишдик. Яқинда Президентимиз Хоразм вилоятига ташрифи чоғида фермерлик ҳаракати, уларнинг фаолиятига юқори баҳо бердилар. Бундан биз фермерлар нияоятда руҳланиб кетдик. Мен ҳам хўжалигимизда қўшимча тармоқларни ривожлантиришни мақсад қилдим. Бу режамиз амалга ошишида ҳам мазкур тадбирларнинг аҳамияти катта бўлади. Кўргазмада Исроилнинг "P.I.C. plast LTD" фирмасининг иссиқхоналари жуда маъқул бўлди. Уларни сотиб

олиш бўйича шартнома туздик. – Ўшбу тадбирда вилоятимиздан 100 дан ортиқ фермер хўжаликлари вакиллари иштирок этмоқда, – дейди Қашқадарё вилояти фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбари Баҳодир Шокиров. – Уларнинг барчаси янги техника, ускуналар олиш борасида шартномалар имзолашга, келишувларга эришди. Энг муҳими, ўшбу тадбир янгиликларга бойлиги билан қизиқшни оширмоқда. Хусусан, чорвадор фермерлар сут соғиш ускуналари, чорва озқаларини йиғиш техникаларига қизиқиб билдиряётган бўлса, деҳқончилик борасида мелиоратив техникалар, ер текислаш, юмшатиш воситаларига талаб катталиги аниқ бўлди. Тадбиркорлар томонидан қизиқиб билдирилган корхоналардан бири «Lemken Chirchiq» Ўзбекистон-Германия қўшма корхона-

сидир. Жорий йилнинг бошида фаолият бошлаган корхона қисқа муддат ичида фермерлар орасида харидорғир маҳсулотлар тайёрлашга эришди.

– Айниқса, «ЕвроПак» осма айланма плуг, «ВариоПак» тупроқ зичлагич, «Циркон» ротация боронаси, «Смарагд» универсал диски культиватор каби турли қишлоқ хўжалик мосламаларига қизиқиб катта, – дейди корхона мутахассиси Феруз Баротов. – Айни пайтгача кўплаб фермерлар билан келишувларга эришдик, шартномалар имзоладик.

Кўргазма давомида фермерлар ўзаро тажриба алмашиш, мутахассислар билан самарали мулоқотлар ўтказиш имконига ҳам эга бўлишяётгани тадбирнинг аҳамиятини янада оширмоқда.

Анвар ҚУЛМУРОДОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах Вилояти

ҲОСИЛИ МўЛ, ХИРМОНИ БАЛАНД – АЗМУ ШИЖОАТИГА МОНАНД



Жиззах туманидаги "Исоқ бобо" фермер хўжалиги раҳбари Ҳақимжон Соатов.

Пахтачиликда мўл ва сифатли ҳосил етиштиришнинг омиллари кўп. Йилнинг қандай келиши, агротехник тадбирларнинг мақбул муддатларда ўтказилиши, навнинг тўғри танланиши муҳим ўрин тутди бу жараёнда. Жорий йилда Жиззах вилояти пахтакорлари ҳам мўл ҳосил тўпладилар. Уни қузнинг ёғин-сочинли кунларига қолдирмасдан йиғиштириб олиш борасида кўрсатилган азму шижоат ўз самарасини берди. Бу эса жорий йилдаги қулай иқлим шароити ва давлатимиз томонидан яратиб берилган имкониятлардан пахтакорларнинг унумли фойдаланганликларини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислохотлар самарасини бугун Жиззах вилояти пахтакорлари тўплаган ҳосилда, уяётган хирмонда ҳам кўриш мумкин. Бу соҳага илғор тажриба ва технологияларни жорий этиш, деҳқонлар меҳнатининг қадрланиши натижасидир.

Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида аграр соҳадаги эришилаётган ютуқларни таҳлил этар экан, Қишлоқ хўжалигида мўл

ҳосил етиштиришнинг омил ва мезонлари кўп. Об-ҳавонинг қулай келиши, навнинг тўғри танланиши, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ўтказилиши, энг муҳими, деҳқонларимизнинг ер билан тиллашиб, унга бутун меҳрини бериб ишлаши – ана шулар жумласидандир. Шулар қаторида яна бир ўта муҳим омил борки, бу тупроқ унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш билан боғлиқ, дея таъкидлаб ўтдилар.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗБЕК ПАХТА ТОЛАСИНИНГ ШУҲРАТИ ТОВОРА ОШИМОҚДА

Бунда сифатга қаратилган эътибор муҳим аҳамият касб этаётир



Яна санокли кунлардан кейин Тошкентда жаҳон пахта ва тўқимачилик саноати форуми бўлиб ўтди. Пойтахтимиз яна бир бор тола бозори марказига айланмоқда. Ярмарка давомида барча ҳудудларда ишлаб чиқарилган пахта навлари толасининг юзлаб намунаси қатнашчилар эътиборига ҳавола этилади. Сотувга қўйилган ҳар бир тонна пахта Ўзбекистон "Сифат" маркази томонидан берилган сертификатга эга бўлади. Пахта толасини текшириш учун марказнинг барча ҳудудий лабораторияларида ўрнатилган юқори технологик тизимлардан фойдаланилмоқда.

Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида пахта саноатида улкан ислохотлар амалга оширилди. Республикаимизда пахта халқаро талабларга мос етиштириш ва қайта ишлашнинг замонавий комплекси ташкил этилди. Маълумки, пахта харидорлигини оширишнинг асосий мезони тола сифатини яхшилаш ҳисобланади.

Республикаимизда экиладиган пахта чигитининг селекция навлари, пахта тозалаш корхоналарида иш-

лаб чиқарилаётган тола ва момикнинг тойма-той сифат кўрсаткичлари бўйича сўнгги маълумотлар "Сифат" марказининг миллий маълумотлар базаси орқали таҳлил қилиб борилди. Амалга оширилган ишлар натижасида ўтган даврда тола сифати яхшиланишига эришилди. Муқояса қилами: 2003 йилда ўзбек пахтасининг "Олий" синфи 15,2 фоизи, "Яхши" синф миқдори 41 фоизи, уларнинг умумий улуши 56,2 фоизи ташкил этарди.

2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон "Сифат" маркази "Ўзпахтасаноат" уюшмасининг бевосита иштирокида пахта тозалаш корхоналарининг технологик жараёнларини тубдан яхшилаш ва пахта толасининг ифлосланиш даражасини камайтириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Тайёрланган пахта хомашёсини сақлаш ва қайта ишлаш жараёнларидаги техник назорат мониторинги олиб борилди. Охириги пахта мавсумлари

мобайнида "Олий" ва "Яхши" синфларнинг ўсишида барқарорлик кузатилмоқда. Хусусан, 2011 йил пахта ҳосилини ишлаб чиқарилган пахта толасининг 85,1 фоизини юқори синфга мансуб бўлган тола, жумладан, 28,1 фоизини "Олий", 57 фоизини "Яхши" синфлари ташкил қилди. Айниқса, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Хоразм вилоятларининг пахта тозалаш корхоналарида ишлаб чиқарилган толаннинг 95 фоизидан кўпи "Олий" ва "Яхши" синфларга мансуб бўлди. Шунинг билан унинг лозимки, пахта хомашёсини сақлаш ва уни қайта ишлашнинг яхшиланиши натижасида толаннинг саноат навлари ҳам яхшиланиб бормоқда.

Сўнгги йилларда ҳосилдорлигини ошириш мақсадида янги технологиялар кенг қўлланилиши режалаштирилмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

МЕҲНАТ ВА РАҒБАТ УЙҒУНЛИГИ — ФАОЛИЯТ МЕЗОНИ

“Фермер нафақат деҳқон, балки иқтисодчи, менежер, агроном, саноатчи бўлиши керак, фермер ўзи етиштирган маҳсулотни ўзи қайта ишлаши, шу орқали қишлоққа саноатни жадал олиб кириши лозим. Ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантириши, хизмат кўрсатиши ва сервис соҳасини йўлга қўйиши, аҳоли фаровонлигини ошириши, ёшларни иш билан таъминлашга фаол ҳисса қўйиши лозим”.

Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган бу давлатга бухоролик фермерлар ҳам ўзларининг амалий ишлари билан жавоб беришга ҳаракат қилишмоқда. Бугун воҳанинг энг чекка қишлоқларига ҳам борсангиз, қишлоқ мулкдорлари томонидан бунёд этилган замонавий инфратузилма объектларига кўзингиз тушади.



Бухоро туманидаги “Жоникул Саид” фермер хўжалиги қошида уч йилдан бунён сунни қайта ишлаш корхонаси фаолият кўрсатади. Бу ерда 5 нафар ёшлар учун янги иш ўринлари яратилган. Корхонанинг маҳсулотларига эса талаб кундан-кунга ошаётган бўлган.

Бухоро туманидаги чорвачиликка ихтисослашган ҳамда ҳозирги вақтда сут ва наслчилик йўналишида фаолият кўрсатаётган “Жоникул Саид” фермер хўжалиги раҳбари Бабит Жоникул бундан 10 йил олдин чорвадор фермер сифатида иш бошлаганди. Уни бугун тумандошлари саноатчи фермер сифатида ҳам яхши билишади.

Хўжалик ихтиёрида 20 гектарга яқин чорва моллари учун озукабоп экинлар экиладиган ер майдони, етарли техника ва механизмлар, 158 бош насли қорамол, 100 бош қўй, 5 бош от мавжуд. Фермер ўз хўжалигини жадал суръатларда ва давр талаблари даражасида ривожлантириш мақсадида астойдил иш олиб бормоқда.

Бундан уч йил олдин хўжалик қошида сутни қайта ишлаш корхонаси қуриб, ишга туширилди. Шундан бунён узлуксиз фаолият кўрсатаётган корхонада ишлаб чиқарилаётган 7 турдаги сут маҳсулотларини вилоятдаги кўплаб савдо дўконларида учратиш мумкин. Фермер томонидан лизинг шартномаси асосида харид қилинган автобус эса аҳолига транспорт хизмати кўрсатмоқда. Фермер ҳар йили 50-55 бош насли гуна-

жин тайёрлаб, турдош хўжаликларга сотаётган. Хўжаликда кўплаб ёшлар учун мумкин иш ўрни яратилгани яна бир эътиборли жиҳат.

— Корхонамиз бир кеча-кундузда 5 тоннагача сутни қайта ишлаш қувватига эга, — дейди фермер. — Ҳозирда бир кеча-кундузда 2,5-3 тонна сут қайта ишланаяпти. Келгусида насли сигирлар бош сонини 100 бошдан

ошириб, корхона учун зарур маҳсулотни ўзимизда тайёрлаш режаларимиз бор.

Қолаверса, биз фермерларга кенг имкониятлар яратиб берилган. Улардан унумли фойдаланиб, қайта ишлашни йўлга қўйиб, истиқболли тармоқларни ривожлантириш нафақат хўжалик даромади ўсишига, балки янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Соҳага замонавий технологияларни кенг жалб этиш, ҳар бир ишни илғор тажрибалар, илм-фанга суянган ҳолда ташкил этиш самарадорлик омилидир. Мана шу жиҳатлар ҳисобга олинган ҳолда фермер хўжалигимизда маҳсулот етиштириш ҳажминини ошириш, қайта ишлашни кенгайтириш ҳамда унинг сифатини ошириш борасида изланаяпти.

Фермер ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган халқаро кўргазма савдоларидан бирида қатнашиб, хорижда ишлаб чиқарилган сигир соғадиган минитехнология харид қилди. Айни кунда хўжаликдаги 80 бош соғин сигир шу ускуна ёрдамида соғилади.

Қишлоқ мулкдори ўз хўжалигининг келажагига катта ишонч билан қарайди. Қолаверса, мамлакатимизда Бабит ака каби эзгу мақсадли инсонларнинг меҳнати ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда.

Хамроз АЛИ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.

ҒАЛЛАЧИЛИК

Ғалла — халқимизнинг ризқу насибаси. Омборларимиз донга тўлса, элимизнинг фаровонлиги таъминланади. Юрт равнақи йўлидаги бундай эзгу ишга ўзим узоқ йиллар раҳбарлик қилган, бугунги кунда ўтлим Халилжон Мажидов бошқараётган Ғиждувон туманидаги “Калон Маждид” фермер хўжалигининг ҳам арзimas улуши борлигидан фахрланаман.

МАҚСАДИМИЗ — 100 ЦЕНТНЕРЛИК МАРРАГА ЕТИШ



Фермерлик ҳаракати бошланган йилларда ғалла майдонларидан нари борса 25-30 центнер ҳосил олардик. Юртбошимиз томонидан ғаллачиликни ривожлантириш, хусусан, экин майдонларига серҳосил ғалла навларини жойлаштириш, экин парвариши билан боғлиқ агротехник тадбирларни юқори даражага кўтариш, таъминот тизимини яхшилаш, фермерларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугун юртимизда тўкин-сончилик таъминланмоқда.

Ғаллачилик соҳасида бой тажриба тўплаган фермерларимиз хозирда ҳосилдорликни 100 центнерга етказиш йўлида астойдил иш олиб боришмоқда. Биз ҳам жорий йилда 30 гектар ғалла майдонининг ҳар гектаридан 80 центнердан ошдириб ҳосил олишга эришдик. 120 тонна дон қабул масканларига етказиб берилган бўлса, шунча дон хўжалик ихтиёрида қолдирилди.

Айни кунда келгуси йил ҳосили учун 20 гектар майдонга қадалган барака уруги тўлиқ униб чиқиб, баравж ривожланмоқда.

Шу ўринда фермерларга яратилаётган шартно, уларга кўрсатилаётган гамўрликни эътироф этиш жоиз. Фермерлик ҳаракати йўлидаги имтиёзлар, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ғалла навларини яратиш, навларни ҳар бир ҳудуд шартноига мослаб жойлаштириш борасида ишлар ўз самарасини бермоқда. Агротехника жараёнида ёнигли-мойлаш материаллари, ўғитларнинг жойларга етказиб бериш борасидаги савий-ҳаракатлар фермерларимизни янада шижоат билан меҳнат қилишга ундамоқда. Уларни янги марраларга чорламоқда. Хусусан, бу йилги ҳосилнинг мўл бўлишидан, энг аввало, фермерларнинг манфаатдорлиги ошди.

Ешим етмишдан ошиб қолган бўлса-да, даладан кўнгли узоқмайман. Фарзандларимга маслаҳатлар бериб, иш ўргатишдан чарчамайман. Насиб этса, келгуси йили ғалла майдонларидан 100 центнердан ҳосил яратиш йўлида иш олиб боряпмиз. **Маждид РАШИДОВ,** меҳнат фахрийси.

ПАХТАЧИЛИК

Биз фермерларга яратиб берилган шарт-шароитлар учун муҳтарам Президентимиздан беҳод миннатдоримиз. Юртимизда қишлоқ хўжалиги соҳасининг, хусусан, фермерларнинг барча муаммоларини узил-кесил ҳал қилиш борасида яхлит бир тизим яратилганки, унинг самарасидан ҳар бир фермер бирдек манфаатдор бўляпти.

МАНФААТДОРЛИК — МУВАФФАҚИЯТЛАР ОМИЛИ



Фермер хўжалигимиз ихтиёрида 66 гектар экин ери бўлиб, унинг 26 гектаридан дон, 40 гектаридан эса пахта етиштирилади. Жорий йилда ғалла майдонларидан 65 центнердан, пахта майдонларидан эса 50 центнердан ошдириб ҳосил олишга эришдик. Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами арафасида Президентимиз Фармонига кўра, “Шўхрат” медали билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим қадр топгани кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди.

Элмурод МАЛАЕВ, Ромитан туманидаги “Саттор Султон” фермер хўжалиги раҳбари.



ҚИШЛОҚДА ТАРАҚҚИЁТ ВА ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ КУЧ

ПАРРАНДАЧИЛИК

ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Халқимиз паррандачиликка ана шундай изоҳ беришади. Мана беш йилдирки, биз ҳам ўз хўжалигимиз аъзолари билан паррандачилик йўналишида фаолият кўрсатиб келяпмиз. Меҳнатимиз ва изланишларимиз орқасидан тармоқни ривожлантиришга ҳаракат қиляпмиз. Бу борада кўзлаган мақсадларимизга эришяпмиз ҳам.

Фермерлик фаолиятини 2005 йилда пахтачилик ва ғаллачилик йўналишида бошлаган бўлсак, кейинчалик паррандачиликни ҳам йўлга қўйдик. Бу борада “Агробанк”нинг туман бўлими томонидан ажратилган имтиёзли кредит кўл келди.



Бугунги кунга келиб хўжалигимизда паррандачилик сердаромад тармоққа айланди. Ўтган йиллар давомида 14 минг бошдан ортиқ бройлер ва тухум йўналишидаги паррандаларни боқиб, етарли тажриба тўпладик. Ҳозирда эса хўжалигимизда 10 минг бош “Ломанн Браун” зот-



Хўжалик паррандабоқарлари Гулнора Курбонова ва Матлуба Исмаилова.

вожлантириш учун тажрибанинг ўзи камлик қиларкан. Бу тармоқ бўйича иш олиб бораётган фермер ва тадбиркорлар, албатта, тегишли қўлланмалар, илмий асосланган адабиётлар билан ҳам яқиндан танишиб борсалар, етакчи мутахассислар билан ўртоқлашиб турсалар, фойдадан холи бўлмайди.

Иш столим устида доимо паррандачиликка оид китоблар бўлади. Бўш вақт топшишим билан улардан ўқиб-ўрганаман. Тажрибали мутахассисларнинг қимматли маслаҳатларини оламан.

Фермер хўжалигимизда 19 нафар киши меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 6 нафари паррандачилик билан машғул. Барчаси ўз ишини яхши билишади. Асосий мақсадимиз эл маъмуричилигига муносиб улуш қўйишга қаратилган.

Али БОБОЕВ, Вобкент туманидаги “Ойдинкўл замини” фермер хўжалиги раҳбари.

ХАНГОМА ЭҲ, СОДАЛАК КЎРСИП

Наим фермер содда, ишонувчан инсон. У бундан бир неча йил илгари кирақаш қўшнисини ёллаб, Самарқанд томонларга уруғлик картошка харид қилишга борибди.

Картошканинг зўрини Жомбой ё Булунгурдан топасиз, — дебди йўл устидаги чойхоналарга тушлик қилишга кирган Наим фермерга бир қария.

— Шунча жойга келдик. Олганга яраша сара уруғлик олайлик-да, — дея икковлон яна йўлга тушишди.

Булунгурга етмасданок, катта йўл устида картошка сотаётган бир йигитнинг ёнида машинани тўхтатишди.

Кўшниси чарчадим, дея ўриндикка чўзилди. Наим ака ишга киришди.

Бир қоп картошка ушлаб турган йигитнинг моли унга маъқул келди.

— Ука, шу картошкadan менга 5-6 қоп керак, уруғлик учун олмоқчиман.

— Зўр қиласиз, ака. Зап уруғликда ўзиям. Олинг, адашмайсиз, — дея гапни гапта илиб кетди чакқон сотувчи йигит.

Хуллас, савдо пишди. Наим ака бир қоп картошкани ушлаб турадиган, йигит эса у берган мўмайгина пулга ғизиллаб қишлоққа бориб яна 5 қоп картошка олиб келадиган бўлди.

Кеч қирса ҳамки, йигитдан дарак бўлмади. Уйкудан уйғонган қўшниси бўлган воқеани эшитиб, мийғида кулди.

— Ака, бўлар иш бўпти. У йигит келмайди... Уруғликка келаси йили келамиз.

— Сендан илтимос, бу воқеани қишлоққа бориб, айтиб юрма, тайинлади Наим фермер қўшнисига.

Аммо...

Икки-уч кунда бу хангома бутун қишлоққа тарқалди. Шундан бунён тенгқурлари уни “Наим картошкачи”, дейишади.

Х.АКИЕВ

АСАЛАРИЧИЛИК

Асаларичиликни ривожлантириш учун вилоятимизда кенг имкониятлар ва етарли шарт-шароитлар бор. Улардан самарали фойдаланилаётгани боис, кўрсаткичлар салмоғи йилдан-йилга ошаётган бўляпти.

ДАРАДА ДАРМОН, ДАРОМАДАГА ҚОН



Вобкентлик асалчи Улуғбек Хурсанов турмуш ўртоғи Гулнора Сайфиева билан.

Ҳозирги кунда уюшмаимиз таркибида 570 дан ортиқ асаларичилик хўжалиги бор. Асал етиштириш ҳажми вилоятда йилдан-йилга ошаётган бўляпти.

Албатта, бундай кўрсаткичларнинг қўлга киритилишида асаларичилик хўжаликлари сонини кўпайтириш, улар учун етарли меҳнат шартноилари, кўрсатилаётган хизмат турларини яхшилаш орқали эришилганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Айниқса, асаларичилик йўналишидаги хўжаликларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар учун зарур бўладиган маҳсулотлар ва жиҳозлар етказиб бериш, ма- лака ва тажрибасини ошириш мақсадида амалга оширилган ишлар бу борада катта аҳамият касб этмоқда. Ҳозирда вилоятимиздаги бир неча тадбиркорлик субъектларида асалари уяси, рамка, тутаткич, пичоқ, искана, никоб каби воситаларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Асаларичилик ҳам етти хазинанинг бири ҳисобланади. Шунингдек, асаларини оила-

нинг “шифокори”, деб ҳам аташади. Асалнинг катор дардларга дармон бўлиши ҳақида ҳар биримиз етарли маълумотга эгамиз. Қолаверса, юртимизнинг боғ-роғлари, гул ва гиёҳларга бурканган дала-дашларни асаларичиликни ҳар томонлама ривожлантириш ҳамда тармоқда-юқори навли шифобахш асал етиштириш имконини беради.

Мурод СОИБОВ, “Бухорои шариф асали” уюшмаси мутахассиси.

БОҒДОРЧИЛИК

ЭЛГА ҚАЙИШГАН МУЛҚДОРЛАР

Боғдорчилик ва узумчилик ҳам катта даромад манбаи ҳисобланади. Бунинг исботини бизнинг Соҳибкор қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги боғбону соҳибкорлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Узоқ йиллардан бунён мева ҳамда узум етиштириш билан шуғулланиб келган йиғинимиз аҳолиси бу борада етарли тажриба ва малака тўплаган. Айниқса, мустақиллик йилларида қишлоқ ҳудудида амалга оширилган иқтисодий ислохотлар боғбонларимизга янада самаралироқ меҳнат қилиш ва шу меҳнат орқасидан кўпроқ даромад кўриш имкониятини яратиб берди. Эеро, улар бугун ўз мулкига эга бўлган қишлоқ мулкдорлари ҳисобланишади. Шу боис, уларнинг боғу тоқзорларга меҳри бўлгача.

“Саховатли Жасмин замини” фермер хўжалиги раҳбари Рустам Комилов ихтиёрида 14 гектар узум, 10 гектар олма майдони бор. Унинг боғларида етиштирилган узум ва олма-лар жуда харидоргур.

Ҳақим Акрамов, Анвар Шарипов, Бахтиёр Муродов каби фермерлар ҳақида ҳам худди шундай фикрлар билдириш мумкин.

Қувонарлиси, меҳнатдан манфаат топаётган маҳалладошларимизнинг турмуш даражаси кундан-кунга яхшиланган бўляпти. Улар ўз оилаларининг тинч-тотув ва тўқинлигини таъминлаш баробарида, қишлоқларимизнинг инфратузилмасини яхшилаш, аҳолига қўлайликлар яратиш борасида ҳам хайрли ишларни амалга оширишмоқда.



Фермер Рустам Комилов келини Нигора Атоева билан.

Ҳудудимизда фаолият кўрсатиб келаётган савдо, сервис, маиший ва пуллик хизмат кўрсатиш шохбачаларининг кўпчилиги фермерларимиз томонидан қуриб, ишга туширилган.

Алишер ЭСАНОВ, Бухоро туманидаги Соҳибкор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси.

МАРДЛИКНИНГ МУНОСИБ РАҒБАТИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча талабларга жавоб берадиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал миллий армия-мизнинг барпо этилгани мамлакатимиз тинчлиги ва фаровон ҳаётимизнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 52-модда)

лий ахборот агентлиги — ЎзА мухбирига куйидагиларни гапириб берди:

— Халқимиз азалдан фарзандларини мардлик ва ҳалоллик, жасурлик руҳида, эл-юрт учун жонини ҳам аямайдиган фидойи инсон-

ги ва барқарорлигини ҳимоя қилишда фидойилик кўрсатиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан таъсис этилган «Мардлик» ордени ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан ана шундай

фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.

«Мардлик» ордени Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида таъсис этилган. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади. Орден билан мукофотлашга тақдим этиш, мукофотлаш, шунингдек, уни топириш «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

«Мардлик» ордени билан мукофотланган шахслар энг кам иш ҳақининг ўн беш баравари миқдорда бир йўла бериладиган пул мукофоти оладилар ва қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланадилар.

Мазкур орден кўкракнинг чап томонига тақилади. Фуқаро вафотидан кейин мукофотланган тақдирда орден унинг оиласига топширилади.

Мамлакатимиз ўз олдига буюк ва эзгу максдаларни қўйган. Уларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатаётган, эл-юрт тинчлиги ва равнақи учун ўзини аямайдиган мард ва фидойи инсонлар «Мардлик» ордени билан тақдирланади.

Бу улуг аждодларимизга муносиб ворисларни тарбиялаш, ёш авлод қалбига она Ватанга муҳаббат туйғусини мустаҳкамлаш, уларни мард ва иродали инсонлар этиб камолга етказишга хизмат қилади.

ЎзА мухбири Зйвдулла ЖОНИБЕКОВ эътибор билан тақдирланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони асосида таъсис этилган «Мардлик» ордени ўз мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан ана шундай фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.



лар этиб тарбиялаб келган. Достону эртакларда бундай инсонлар қаҳрамон сифатида улуғлаган. Асрлар давомида шаклланган бундай маънавий муҳит таъсирда юртимиз фарзандлари мардона қалб ва қучли ирода соҳиби бўлиб камолга етган.

Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда мард ва жасур, Ватанга садоқатли, эл-юрт манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган жонқуяр инсонлар юртимизни янада юксалтириш, унинг тинчли-

инсонларни муносиб тақдирлашга, хизмат қилади.

2012 йил 11 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ «Мардлик» ордени билан ўзини Ватани ҳимоя қилишга ва она юрт хизмати-га бағишлаган, мардлик ҳақида жасорат кўрсатган Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий хизматчилари ва бошқа фуқаролари мукофотланади. Алоҳида ҳолларда «Мардлик» ордени билан Ўзбекистон Республикаси

Президентимиз ташаббуси билан «Мардлик» орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир ЖўРАЕВ ушбу орденининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Мил-

Бу жараёнда армияни замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш, қўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борабарда ҳарбийларимизнинг хизмат ва яшаш шaroитларини яхшилаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда рағбатлантиришга ҳам доимий эътибор қаратишмоқда.

«Мустақиллик», «Амир Темур», «Жалолиддин Мангуберди» орденлари, «Жасорат», «Содик хизматлари учун» каби медаллар давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтиришга катта ҳисса қўшаётган ҳарбийларимиз меҳнатини қадрлаш, шу билан бирга, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, фидойи ва ватанпарвар ёшларни тарбиялашга хизмат қилаётган.

Президентимиз ташаббуси билан «Мардлик» орденининг таъсис этилгани бу борадаги ишларнинг мантқиқий давоми бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Қодир ЖўРАЕВ ушбу орденининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида Ўзбекистон Мил-

ЖАҲОНГИР — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ



Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида муайтай бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Қорақалпоқ давлат университетининг биринчи курс талабаси Жаҳонгир Юлдашев биринчи ўринни эгаллади. 51 килограмм вазн тоифасида рингга кўтарилган ҳамюртимиз финалда қозониткич Ишон Галлиев устидан галаба қозониб, жаҳон чемпиони бўлди.

Жаҳонгир 2005 йилдан буён спортнинг муайтай тури билан мунтазам шугулланиб келмоқда. Бир неча бор мамлакат чемпионлигига, шунингдек, 2010 йили Таиландда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида қумуш, 2011 йили Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида олтин медалга сазовор бўлган.

— Мураббийларимнинг ишончини оқлаб, жаҳон чемпиони бўлганимдан қувончим чекмас, — дейди Жаҳонгир Юлдашев. — Устоз-мураббийларим Еркинбой Қуттибоев, Дамир Ҳасанов, Мухтор Болтабоев ва ота-онамга чекмас миннатдорлигимни билдираман. Келгусида мустақил мамлакатимизнинг байрогини баланд кўтариб, янада юқори натижаларга эришишга ҳаракат қиламан.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, «Qishloq hayoti» мухбири. Ерназар ЕРМАНОВ олган сурат.

Жиззах Вилояти

ТИББИЁТ

АҲОЛИ СОҒЛИГИ ЭЪТИБОРДА

Бугунги кунда онкология касалликлари бутун дунё тиббиётининг долзарб масалаларидан бирига айланган. Мамлакатимизда ҳам ушбу хасталикнинг олдини олиш ва уни доволаш борасида қатор хайрли ишлар қилиняпти. Хусусан, ҳукуматимизнинг «2012-2015 йилларда онкологик хизматнинг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш дастури» амалга оширилиб, ижобий натижаларга эришилмоқда. Бунга аҳолига беминнат хизмат кўрсатиб келаётган Жиззах вилояти онкология диспансери фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Айни пайтда мазкур даволаш муассасасида 20 ўринли жаррохлик, 20 ўринли кимётерапия, 10 ўринли онкогинекология ва 30 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган диспансер бўлими янада ривожлантирилган диспансер вилоят аҳолисига онкологик ёрдам кўрсатувчи ягона муассаса ҳисобланади.

— Президентимизнинг тиббиёт соҳасига алоҳида эътибор бераётганидан миннатдоримиз, — дейди вилоят онкология диспансери бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Ганишер Тўраев. — Жамоамиз ҳам масъу-

лиятни ҳис қилган ҳолда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Масалан, даволаш муассасасида ҳудуддаги артезиан кудуги ишга туширилди. Жаррохлик, рентген-диагностика, қабул бўлимларида кўпгина қўйилликлар яратилди. Шунингдек, ҳомийлар томонидан 16 миллион сўм маблағ ажратилиб, барча бўлимлар қайта таъмирдан чиқарилиди ва шифохона ҳудуди ободонлаштирилди.

Стационар бўлимида ўтган йили 1929 нафар бемор даволанди. Мураккаб жаррохлик муолажалар сони

ўтган икки йилда 960 тани ташкил этди. Диспансер назоратига олинган беморлар асосан оператив ва кимётерапия усулларида даволаниб, шифо топишяпти.

— Мен ушбу диспансер шифокорларидан ниҳоятда миннатдорман, — дейди Назира Асатуллаева. — Ўтган йили томоғим остида без пайдо бўлди. У кун сайин катталашиб, ўзимни ва яқинларимни хавотирдан чиқара бошлади. Жиззах вилояти онкология диспансерига мурожаат қилдим. Бу ерда менга жаррохлик муолажасини амалга ошириш зарурлигини айтишди. Яратганга шукр, операция энгил ўтди. Барча ҳаракатлар шифохона томонидан қопланди. Ҳозир аҳолим анча яхши.

Дарҳақиқат, бу ерда дардига даво топаётган беморларни кўриб, Жиззах вилояти онкология диспансерида фаолият юритаётган Алимардон Болтаев, Дилшод Ибрагимов каби малакали шифокорларга тасанно айтасан киши.

Соҳиба СОЛИЕВА, «Qishloq hayoti» мухбири.

Реклама ва эълонлар

«KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МҶЖНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ БАРЧА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТАРНИН, ШУ ЖУМЛАДАН, КИЧИК БИЗНЕС ВАКИЛАРИ ҲАМДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛАРИН ОЧИҚ ТАНЛОВ САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Фарғона вилояти Кўкчи шаҳар ҳокимининг 2012 йил 6 августдаги 73-Ф-сонли фармойишига ҳамда 2012 йил 17 сентябрдаги №516/1-сонли алоқа хатига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга жами 1 (бир) та ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи танловга қўйилмоқда:

1. Автомобилларга сиқилган табиий газ қуйиш шохбаси (АГТКШ) қуриш ва атрофини ободонлаштириш учун, Фарғона вилояти Кўкчи шаҳар Мукуйи шаҳарчаси 4-зона ҳудудига жойлашган 1 дона қурилиш ер ости майдони 10 000 кв.м. бўлган ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати - 5 371 200 сўм.

Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Кўкчи шаҳар архитектура бўлими томонидан тайёрланган шаҳарсозлик топшириги асосида белгиланади. Шаҳарсозлик топшириги нусхаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади.

Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришомат матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 13 ноябрь кунини соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов қатнашчиларининг тақлифла-

ри қайд этилган конвертлар Кўкчи шаҳар ҳокимлиги биносидида 2012 йил 14 ноябрь кунини соат 11:00 да очилади, 2012 йил 14 ноябрь кунини соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносидида танлов қўлиб аниқланади. Комиссия томонидан танлов тақлифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов қўлиби деб топилади.

Ер участкаларига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танлов ташкилотчиси - «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МҶЖ Фарғона вилояти филиали. Танлов ташкилотчисининг манзили: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 35-уй, «Биржа маркази» биноси. Тел/факс: (8-373) 224-68-70, электрон почта: tieltsavdo@inbox.uz. Расмий сайт: www.1kms.uz. Лицензия № RR 0001.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисида танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридида ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисида буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар - давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳокимининг 2012 йил 12 июлдаги 291-сонли қарори билан ташкил этилган танлов савдоси 2012 йил 4 октябрда бўлиб ўтди. Савдода қуйидаги ташкилланган объектлар сотилди:

— АГТКШ қуриш учун Бекобод тумани, «Жумабозор» ҚФЙ ҳудудига жойлашган 1,1 гектардан иборат минимал қиймати 191128,3 сўм, ер майдонидан доимий

ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— жисмоний шахслар - паспорт нусхаси (якка тадбиркор сифатида фаолият юритаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;

— танлов ташкилотчисининг банк ҳисобрақами закалат тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатидан нусха; — танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб, муҳурланган конвертга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов тақлифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса, унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Танлов ҳужжатларини олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк реқвизитлари: «Халқ банки» Фарғона вилояти филиали амалиёт бўлими, х/р: 2020800004920609011, МФО: 00497, СТИР: 207122519.

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Фарғона вилояти Фарғона шаҳар Б.Марғинович кўчаси 35-уй, «Биржа маркази» биноси.

«UNIVERSAL KO'SHMAS MULK RELTORI» МҶЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари бериши тасдиқлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 147-сонли қарори асосида Тошкент вилояти, Бекобод тумани

ҳокимининг 2012 йил 12 июлдаги 291-сонли қарори билан ташкил этилган танлов савдоси 2012 йил 4 октябрда бўлиб ўтди. Савдода қуйидаги ташкилланган объектлар сотилди:

— АГТКШ қуриш учун Бекобод тумани, «Жумабозор» ҚФЙ ҳудудига жойлашган 1,1 гектардан иборат минимал қиймати 191128,3 сўм, ер майдонидан доимий

фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тақлиф нархи 40 000 000 сўм;

— АГТКШ қуриш учун Бекобод тумани, «Охунбобов» ҚФЙ ҳудудига жойлашган 1,5 гектардан иборат минимал қиймати 260629,5 сўм, ер майдонидан доимий фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш бўйича тақлиф нархи 15 000 000 сўм.

СОТИБ ОЛИНГ ВА ЭГАЛИК ҚИЛИНГ!



«Ekspress Inform Savdo» риэлторлик агентлиги Сизларни бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

Наманган вилояти Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 8 октябрдаги 91/ас-ер сонли буйруғига асосан 2012 йил 14 ноябрь кунини соат 10:00 да Наманган шаҳар Банк кўчаси 9-уйда ўтказиладиган очик Аукцион савдосига якка тартибда уй-жой қуриш ер участкаларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгаллик қилиш учун қуйидаги ер майдонлари ҳамда бино иншоотлари қўйилмоқда:

Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа ҚФЙ ҳудудидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ажратилган, ҳар бири 0,04 гектардан бўлган 41 дан - 44 гача жами 4 донга ер майдонлари. Бош-

ланғич баҳоси: 210 000 (Икки юз ўн минг) сўм. Закалат пули 100 000 (Юз минг) сўм.

Ер майдонлари ва бино иншоотлари билан боғлиқ, сув билан таъминланганлиги, рельефи, табиий, санитария-экология, тарихий ва маданий мерос муҳофазаси, иссиқлик, газ, электр таъминоти, алоқа воситалари, канализация билан боғлиқ шартлар, транспорт коммуникациялари, шунингдек, ер участкасининг бошқа ўзга хос шартлари каби қўшимча маълумотлар учун Наманган шаҳар Навойи кўчаси 10-уй (Мўлжал: Узғирсўғурта Наманган филиали биноси ёнида)га мурожаат қилишингиз мумкин. Телефон: (8-369) 226-20-23.

2012 йил 14 ноябрь кунидидаги очик аукцион савдоларида сотилмаган ер майдонларининг такрорий савдоси 2012 йил 21, 28 ноябрь кунлари соат 10:00 да юқоридида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 18:00 да тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун закалат пулини «EIS» МҶЖнинг «ЎзСанотҚурилишбанк» Наманган вилояти филиалидаги, МФО 00224, СТИР 302118546, х/р 20208000204940071001 хисобрақамига тўлашлари шарт: Телефон: (8369) 226-20-23, 226-14-62.

Лицензия RR-0086



Қишлоқларимиз ҳаёти, Ислохотлар самараси, Шу куннинг нафаси, Лавҳаларда акс этган жараён, Орамиздаги фидойи одамлар, Қизиқарли маълумотлар, Ҳаётнинг долзарб муаммолари, Ахборот ва воқеалар тафсилоти, Ёшларга берилаётган имкониятлар, Техник ва технология янгиланишлар, Инновацион лойиҳалар

билан яқиндан танишиш оёсангиз, «Qishloq hayoti» газетасида 2013 йилга ҳам обуна бўлинг!

«ЧП «SHIGATAYEV» соошбаёт об илманини формн собствениости с частной фирмн на Обществн с ограниченной ответственностью.
«ЧП «DI FARMA LUX» соошбаёт об илманини формн собствениости с частной фирмн на Обществн с ограниченной ответственностью.
Утверенный план квартирн, расположенной по адресу: г. Ташкент Учтеглинский р-н, Чиланарская ул. д. 23 а/я 62, выданный Учтенским БТИ на имя Кудыма Игорья Михайловича, считать действительным.
Утверенный диплом № 029169, выданный в 1993 г. ТашОСМ-1 на имя Хатамова Юсуфа Эльмуродовича, считать действительным.
ООО «ELITE-TRADE» (ИНН 205117216), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства администрации Чиланарского р-на г. Ташкента (реестр № 002748-08 от 29.04.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Чупон-ота, 70, ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.
Иностранная компания «ALIED CAPITAL HOLDING S.A.» являясь единственным собственником недвижимого имущества, зданий и сооружений, расположенных на территории Ташкентской обл. Зангитанского р-на, в поселке «Урта-овул-2» (далее «Объект») изъявила желание реализовать его в полном объеме согласно кадастру на договорной основе. Тел.: 956-82-51.
Ташкент ш. Хама т. ТСРҲИ томонидан рўйхатта олинган «BEKZODBEK MADIRA» ХК ташкилий-ҳуқуқий шакли «BEKZODBEK MADIRA» МҶЖга ўзгартириши маълум қилади. «BEKZODBEK MADIRA» МҶЖ «BEKZODBEK MADIRA» ХКнинг ҳудудий вориси ҳисобланади. Тел.: 295-08-11, (+99890) 115-78-60.
Утверенное свидетельство о праве на наследство по закону выданное Государственной нотариальной конторой № 1 Сергеевского р-на г. Ташкента (реестр № 005634-08) рўйхатдан ўтган «JANONGIR DENTAL SERVICES» МҶЖ (СТИР 202058794) ташкилий-ҳуқуқий шакли «JANONGIR DENTAL SERVICES» Оилавий Корхонага ўзгартирилганини маълум қилади. Тел.: 273-79-99.
ООО «SAID BROK OMAID» (ИНН 301698744), расположенное по адресу: Хамзинский р-н массив Янгитўла ул. Нигора 3 проезд д. 37, зарегистрированное ИПСЧ Хамзинского р-на (14.09.2010 г. № 002973-07), ликвидируется. (Решение о добровольной ликвидации постановление № 1 от 11.10.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: +99893 564-15-21.
«GRAND INTERPROEKT» МҶЖнинг Устаф фонди 74 255 962 сўмдан 63 297 838 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Давлолат учун тел.: 986-10-34.
ООО «ALFA CONSULT GROUP» Чиланарского района г. Ташкента (ИНН 301258706) ликвидируется. Претензии принимаются в течение 2 месяцев со момента опубликования данного объявления.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-оқим комплекс тарихидаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РҲИЗЕВ, Улугбек ҲОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВ, Абдижаҳоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Сунаат САЙДАЛИЕВ, Фозилжон ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шероф ҲУЛОМОВ, Муҳаммад АБДУСАМАТОВ (Масъул қўли).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. ISSN 2010-7023 772010702007	ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавийат ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.	ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Коракалпоғистон Республикаси — (+99890) 728-09-78; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 247-29-59; Жиззах — (+99890) 237-44-09; Навоий — (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона — (+99890) 278-95-87; Самарқанд — (+99891) 537-24-95; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 978-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.	Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар	Навбатчи муҳаррир: Х.МУМИНОВ Мусоҳиҳ: О.СИЛОВ Дизайнер: М.БОСМУХАММЕДОВА
--------------------------------------	---	---	---	--	---	--	--